

МИРЗАКАРИМОВА Муяссар Муминовна,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат
институти «Корпоратив бошқарув» кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди;
ҚУЛМАТОВ Алимжон Абдуллаевич,
Ўзбекистон Миллий университети
«Макроиқтисодиёт» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЎТИШ ДАВРИДА «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК 330.1
ББК 65.013

МИРЗАКАРИМОВА М.М., ҚУЛМАТОВ А.А. ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЎТИШ ДАВРИДА «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада инновацион тараққиёт йўлига ўтиш даврида «Иқтисодиёт назарияси» фани олдида турган долзарб муаммолар, тадқиқот предметини ташкил этаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ҳамда глобаллашув ва ахборотлашган жамият билан боғлиқ устувор йўналишлар тадқиқ этилади. Ҳозирги замон иқтисодий назарияларидан бўлган неоклассик ва неокейнсча назариялардан тубдан фарқ қиладиган янги йўналиш – неоиқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари фарқланади, муҳим илмий хулосалар чиқарилади.

Таянч иборалар: неоиқтисодиёт, янги иқтисодиёт, глобаллашув, ахборот омили, виртуал иқтисодиёт.

МИРЗАКАРИМОВА М.М., КУЛМАТОВ А.А. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДМЕТА «ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ» В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ИННОВАЦИОННЫЙ ПУТЬ РАЗВИТИЯ

В статье представлены актуальные проблемы экономической теории, экономические события и процессы, составляющие предмет исследования, а также приоритетные направления, связанные со становлением информационного общества и глобализацией. Анализируются особенности неэкономии, которая отличается от современных теорий неоклассического и неокейнсианского направления, сделаны выводы.

Ключевые слова: неэкономика, новая экономика, глобализация, фактор информации, виртуальная экономика.

MIRZAKARIMOVA M., KULMATOV A. PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE «ECONOMIC THEORY» IN THE CONDITIONS OF TRANSITION TO INNOVATIVE DEVELOPMENT PATH

There is studied in the article current problems of economic theory, economic events and processes that make up the subject of research, as well as priority areas related to the establishment of information society and globalization trends.

Keywords: neo-economy, new economy, globalization, information factor, virtual economy

1960 йилларнинг охиридан бошлаб, юз бераётган чуқур ва катта ўзгаришлар дунёнинг турли минтақаларида кишиларнинг XXI аср бошларидаги ўз ғоялари, хожиш-истаклари, муносабатлари, ҳаракатлари ва қилмишларига, мамлакатлар ва минтақалар манфаатлари, сиёсий воситаларига, шу орқали эса жаҳон иқтисодиётини уйғун ва барқарор ривожлантириш, умуман, жамият бутун муҳитига табиат қонунлари билан келишилган ҳолда катта тузатишлар киритиш лаёқатининг мустаҳкамлигини бошдан кечирмоқда.

XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларида ривожланиш йўлини стратегик танлаш муаммоси (сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий, техник-технологик ва бошқа) турлича ўткирликда барча мамлакатлар олдида турган масалалардандир.

Мустақиллик йиллари давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, бугунги кунда Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, «Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазиламиздир»¹. Мазкур жараёнларнинг илмий-назарий талқинини бериш ва ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ҳам иқтисодиёт назарияси фанининг вазифаси ҳисобланади.

1927 йилда, Франция учун мураккаб бўлган бир вазиятда Ж.Ш.Сисмонди: »Бугун жамият бизда ҳеч қандай тажриба мавжуд бўлмаган,

мутлақо янги яшаш шароитларида турибди»², деб таъкидлаган эди. Бу фикрлар бизнинг давримиз учун ҳам долзарбдир.

Биринчидан, собиқ социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги вазият, ислохотларнинг бошида саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти моделини танлаб, бугунги кунда абстракт «бозор», бутун замонавий иқтисодиёт тўғрисидаги тарғиботлар даражасидаги билимлар етишмай қолди.

Иккинчидан, ўтган аср 80-йилларнинг охирида жаҳон иқтисодиётининг мувозанати бузилгандан кейин ҳамда қатор бошқа сабаблар туфайли «намунали мамлакатлар» З.Бжезинскийнинг қиёфали ифодалаши бўйича «глобал тартибсизлик ва ҳалокатлар» ҳолатига кирдилар³. Л.Туроу ҳозирги замон жаҳон ҳолатини «буюк тўнтаришлар», деб номлади, Дж.Сорос эса уни нафақат демократия, балки юзага келаётган бутун Европа цивилизациясига ҳам хавф солаётган «капи-

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -8-б.

² Ойкен В. Основные принципы экономической политики. – М.: «Прогресс», 1995. -С. 71.

³ Бжезинский З. Глобальный беспорядок накануне XXI века. // «США: Экономика, политика, идеология», 1994, №4-5.

тализмнинг жаҳон инқирози»¹ сифатида баҳолади.

Айрим иқтисодчилар барча мамлакатлар учун «ўтиш даври» тушунчасидан фойдаланишни таклиф этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу давр замонавий ривожланиш тенденциялари ва институционал динамикани тавсифлайди². Далилий маълумотлар мавжуд назарий қисмида ёзилмайдиган, кузатилаётган жаҳон иқтисодиётининг муҳим онтологик ва гносеологик ўзгаришларини ифодалайди. Иқтисодчи, илмшунос П.Икинз: «Ҳозирги замон иқтисодиёт фани боши берк кўчага кириб қолди, унинг воситалари соддалашди... XX аср охиридаги илм-фан, технологиялар, қадриятлар ва муносабатларга мос келадиган иқтисодий ёндашувни, янги турткини ишлаб чиқиш зарур»³, деб ёзади. Охирги ҳолат мавжуд замонавий амалиётнинг эскирган ғоялари ва моделлари пойгаси билан эмас, балки биринчи навбатда, назарияда жараёнлар акси ва ўзгаришлар қўлланилишини талаб қилади. Бутун замонавий воқелик ва хусусан, иқтисодий воқелик ҳақидаги афсона ва тасаввурлардан холи, тўлиқ билим олиш имкониятини берадиган бошқа методологик ёндашувлар, қоида ва тадқиқот тартиботларини талаб қилади.

Ҳозирги замон сиёсий-иқтисодий амалиёти бутун дунёда амалга оширилган ва фанда етакчилик қилаётган неоклассик назария бугунги кунда мэйнстрим тавсифига эга бўлмоқда. Айнан шу нуқтаи назардан иқтисодий фан фалсафий асосларини, предмети ва айрим таҳлилий воситаларини инвентаризациялаш амалга оширилмоқда. Охирги йилларда назариянинг танқидий, аммо шу билан бирга, позитив таҳлили соҳасида кўп ишлар қилинмоқда. «Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети чеклаб, – деб ёзади М.Блауг, – неоклассиклар томонидан қўйилган

чегаралар доирасидан ташқарида ўзларининг лаёқатсизликларини ошкора тан олдилар ва шу тариқа, соғлом фикр даражасида нафақат қатор хулосаларни, балки бир қанча қимматли ғояларни ҳам илгари сурдилар. Неоклассик назариянинг узвий методологик хатоси шундаки, у техник тараққиёт ва реал дунёдаги воқеаларнинг боришини башоратлаш учун ресурсларнинг кўпайиши амал қилмайдиган, «вақтдан ташқари»ги моделлардан келтириб чиқарилган микростатик назариялардан фойдаланди»⁴.

Дж.Сорос ўзини назариётчи сифатида намоён қилмайди, балки амалий фаолияти туфайли унга мурожаат қилиш ўринли бўлади. «Иқтисодиёт назарияси, – деб ёзади у, – гипотетик конструкция сифатида тўғри бўлиб, унда рефлексивлик мавжуд эмас. Иқтисодиёт назариясини реал оламга қўллаганимизда, бошқача манзарага эга бўлишимиз мумкин. Бу айниқса, молиявий бозорларда сезиларли бўлиб, бу ерда рефлексивлик муҳим роль ўйнайди. Рационал кутишлар ва самарали бозорлар назариялари ишончсиз ҳисобланади»⁵.

Маълумки, неоклассик назария (А.Маршалл, Л.Вальрас, И.Шумпетер) бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ғоясини илгари сурди. Функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор нархини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат, деб ҳисоблайди. Давлатнинг ялпи талабни рағбатлантириши бюджет тақчиллигига олиб келади. Уни пул эмиссия қилиш орқали қоплаш инфляцияни вужудга келтиради. Давлатнинг даромадларини кўпайтиришга қаратилган ҳаракати солиқларнинг ўсишига сабаб бўлади ва бу тадбиркорлик фаолияти сусайиши ва фойданинг камайиши билан бирга боради. Натижада иқтисодиётда стагфляция ҳолати кузатилади. Давлат бозор конъюнктурасида кутилаётган инқирозли ҳолатларни олдиндан

¹ Туроу Л. Будущее капитализма. - М.: «Сибирский хронограф», 1999.

² Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997.

³ «Вопросы экономики», 1993, №1. -С. 57.

⁴ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: «Дело Лтд», 1994.

⁵ Сорос. Дж. Сорос о Соросе. - М.: «Инфра-М», 1996.

тахминлаш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар белгилашга қаратиш зарурлигини қайд қилади.

Неокейнсчилар фикрига кўра, давлат «самарали талаб»ни рағбатлантириш вази-фасини миллий хўжаликка инвестициялар қўйиш ва давлат сарфларини кўпайтириш орқали бажаради ҳамда бу бандлик ва кор-хоналар фойдаси ўсишига олиб келади.

Молиявий фундаментализм сиёсатининг умумий натижаси виртуал иқтисодиёт ҳисоб-ланади. Молиявий дунё жисмоний-иқтисодий воқеликка бевосита боғлиқлигини йўқотган, амалда мустақил муқобил олам бўлиб қолди. XX асрнинг охирларида ер юзида бу квази-иқтисодиётнинг реал сектор иқтисодиёти билан зиддиятли тўқнашувини белгилаган турли-туман валюта-молиявий операциялар мустақил номинал майдонини шакллантирди. Барча амалга ошириладиган трансакцион операцияларда товар айланиши ҳиссасига дунё битимлари ҳажмининг бор-йўғи 2%и тўғри келмоқда¹. Нобель мукофоти лауреати М.Алле 1992 йилдаёқ «Бозор иқтисодиётининг монетар шароитлари» асарида жаҳон иқтисодиёти бир бутун сифатида бугунги кунда қарзлар йирик пирамидасига таяниб, жуда мураккаб мувозанатда турибди... Валюта билан чайқовчилик ёки фонд бозоридаги чайқовчилик дунё бутун кенглигида қарзлар бўйича тақсимланадиган ўйин жадвалларининг катта қиморхонасига айланганлигидан далолат беради. Узоқ муддатли потенциал беқарорлик ҳамда молия тизими ва реал иқтисодиёт ўртасида ўсиб борувчи тафовут вужудга келди², деб таъкидлаган. Ўсиб борувчи тақчилликлар ва давлат қарзлари, масалан, АҚШда бугунги кунда 5,5 триллион доллардан ошиб кетди, бу кўпгина иқтисодчиларда «давлат ҳозирги вақтда чиқиб кетиб бўлмайдиган бюджет қамоқхо-

насида яшаётганлиги ҳақида» тасаввур уйғотади³ (ҳозирда АҚШ қарзи 11 триллиондан ортди (тахр.)).

Гап виртуал молиявий иқтисодиёт ва тўпланган давлат қарзлари жаҳон иқтисодий мувозанатсизлиги учун шароит яратганида ҳам эмас. Вазият парадокси шундаки, дунё инқирозлиги ўз доирасига «катта ва кичик» мамлакатларни жалб қилган ҳолда, молиявий капиталга ҳалигача йирик даромадлиликни таъминламоқда. М.Фридмен 1998 йил инқирозининг сабабларини таҳлил қилиб, яна шундай деб ёзади: «Осиё мамлакатлари иқтисодиётларидаги молиявий инқироз уч таркибий унсурларнинг бирикмасидан вужудга келди: Япониядаги турғунлик, марказий банklar томонидан миллий валюталар алмашув курсларининг Америка долларига боғланиши ҳамда ХВФ сиёсати ва амалиёти»⁴.

Классик сиёсий иқтисодиёт назарияси қиймат, абстракт меҳнат, унумли ва унумсиз меҳнат тушунчаларидан фойдаланиб, миллий даромад ва бойликда меҳнат омилининг ҳиссасини асослаган ҳолда иқтисодиёт назариясида ҳақиқатан ҳам инқилоб ясаган. Неоклассик-кейнсча назариялар асосида ЯИМ таркибига ҳар хил турдаги хизматлар киритила бошланди. Саноати тараққий этган давлатлар ЯИМда молиявий хизматлар салмоғи 10-19% даражасида ҳисобланади. Бироқ индустриал нуқтаи назардан бутун молиявий сектор трансакцион тармоқлар тоифасига киради⁵. Трансакцион харажатлар – бозор туридаги иқтисодиётни эксплуатация қилишнинг ўзига хос харажатлари бўлиб, уларнинг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Институционализм назариясига кўра, бу хизматлар ижтимоий фойдали самара яратмайди, балки фақат ҳар хил турдаги трансакцион харажатларга хизмат кўрсатиш ҳамда мулк ва эркинлик ҳуқуқларини ҳимоялаш

¹ Туроу Л. Будущее капитализма. - М.: «Сибирский хронограф», 1999. -С. 10.

² Чибрикова Г.Г. Взаимодействие финансовой системы и реального производства в современном мире. //Вестник МГУ, сер. 6, «Экономика», 1999, №6.

³ Туроу Л. Будущее капитализма. - М.: «Сибирский хронограф», 1999. -С. 216.

⁴ Фридмен М. Уроки финансового кризиса. // «Независимая газета», 23.10.1998.

⁵ Туроу Л. Будущее капитализма. - М.: «Сибирский хронограф», 1999. -С. 13.

бўйича қўшимча харажатларга эга. Демак, ушбу мураккаб ва ҳақиқатан муҳим фаолият тўлиқлигича унумли меҳнат сифатида инобатга олинмасдан, моҳиятан иқтисодиёт реал секторининг умумий таркибий қисмлари сифатида йиғилмасдан, балки ЯИМдан чиқариб ташланиши керак¹. Бу ва бошқа назарий-амалий муаммолар бугунги кунда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларгагина эмас, балки миллий бойлик каби муҳим кўрсаткични белгилашига нисбатан ҳам жонли мунозараларни келтириб чиқармоқда. Бу мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимлар самардорлик мезонлари тўғрисидаги тасаввурларни ҳам ўзгартириш заруриятдан далолат беради.

Иқтисодиёт назарияси фани бугунги кунда ўз эътиборини глобаллашувнинг қуйидаги йўналишларига қаратмоқда:

- молия бозорининг амал қилиши;
- жаҳон ахборотлашган тармоғи;
- шаклланаётган ва ривожланаётган трансмиллий компаниялар;
- иқтисодиётнинг минтақалаштирилиши²;
- коммуникация электрон шакллари ва ҳисоблаш турлари орқали жаҳон савдосининг интенсивлашуви;
- конвергенция жараёнлари³.

Ҳозирги пайтда барча юз бераётган иқтисодий жараёнларга жаҳон молиясининг кучли таъсиридан ташқари, иқтисодиёт назарияси

фанига ёндашув ва методологиянинг ўзи ҳам ўзгарди. Неоиқтисодиёт ва глобаллашув замонавийлик намоён бўлишининг икки томони эканлиги муҳим ҳолати сезилмаяпти. «Янги иқтисодиёт» тушунчаси гарчи уни талқин қилишнинг бир хил эмаслигини қайд этиш лозим бўлса-да, ишбилармонлик амалиётига ҳам, илмий адабиётларга ҳам кенг кириб борди. Саноат инқилобининг ривожланиши техник-иқтисодий циклини яқунлаб, ахборот инқилоби, ўз навбатида, инсон фаолиятининг турли соҳа ва тармоқларида, жумладан, унинг онгида ҳам муҳим таркибий ўзгаришларни бошлаб берди. Бу ўзгаришлар тарихи ва амалий фойдаланилиши асосланмоғи ва изоҳланиши даркордир.

Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, «неоиқтисодиёт» («янги иқтисодиёт») тушунчаси икки томонлама талқин қилинади. Биринчидан, у юқори даражада индустралашган, ривожланиши юқори даражадаги иқтисодий бўғинларнинг синоними сифатида ишлатилиб, бутун тизимда тубдан бошқача сифат мавжудлигини изоҳлаб берган ҳолда иқтисодиётнинг анъанавий соҳаси янги унсурлар билан узвий чирмашиб кетганлигини асослайди. Иккинчидан, тор маънода бу сўз замонавий иқтисодиётда юзага келётган янги ўзгаришларнинг тавсифланишидир (1-жадвал).

Унинг технологик таркиби, энг аввало, индустриал турдаги 1-3-укладларда ифодаланган бўлиб, афсуски, иқтисодиёт назарияси фани томонидан бизнинг юртимизда етарлича ўрганилмаяпти. Ушбу ёндашувга кўра, унумли капитал бу молия ва ахборот оқимларини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг асосий ижтимоий шакли сифатида чиқади. Машинасозлик тармоғи, нефть-кимё корхоналари ва бошқа реал сектор тармоқларининг ўртача фойда нормаси эса иқтисодиётга сармоялар йўналтирилишини тартибга солишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Янги иқтисодиётнинг шаклланиши мос равишда 4- ва 5-укладлар билан боғлиқдир. Бу энг аввало, робототехника, электроника

¹ Фридмен М. Уроки финансового кризиса. // «Независимая газета», 23.10.1998. -С. 102, 206-207; Wallias J.J., North D.C. Measuring the transaction Sector in the American Economy, 1870-1970. // Long-term factors in American Ecomic Growth. Ed. by Engerman S. -Chicago, 1987. P. 11.

² Глобаллашувга қарши – минтақалашув (таҳр.)

³ Глобаллашув ҳақида (globe – ер шари) биринчи марта XX асрнинг 80-йиллари бошларида америкаликлар гапирганлар. Гарвард бизнес мактаби маслаҳатчиси япониялик К.Омэ 1990 йилда «Чегарасиз дунё» (Oh mae R. The Bordenless World: power in the Interlinked Economy. Fontana, 1990) асарида алоҳида давлатларнинг иқтисодий миллийлиги маънога эга эмас, чунки жаҳон иқтисодиёти аср охирига ТМКлар ўзаро боғлиқлиги ва уч марказ: ЕИ, АҚШ ва Япониянинг таъсири билан белгиланади, деб ёзган. «Глобаллашув» тушунчаси XX аср 60-йилларининг бошларидаёқ Канада социологи ва тарихчиси Мак-Луаннинг асарларида пайдо бўлган.

1-жадвал. Янги иқтисодиётнинг шаклланишида технологик ўзгаришлар ва циклларнинг аҳамияти.

| Цикллар | 1-цикл | 2-цикл | 3-цикл | 4-цикл | 5-цикл |
|---------------------------|--|----------------------|---------------------------------|---|---|
| Циклнинг бошланиши (йили) | 1780 | 1845 | 1890 | 1945 | 1990 |
| 1. Қўлланилиши | Буғ машинаси | Поезд | Кино, моторларнинг кашф этилиши | Автомобиль, телефон, телевизор, компьютер | Дастурий таъминот, мультимедиа, хизматлар иқтисодиёти |
| 2. Технология ва хом ашё | Буғ | Пўлат, кўмир | Электр, кимё, нефть | Электроника, ядро технологияси | Ахборот технологиялари, био- ва ген техникаси |
| 3. Тармоқлар | Тўқимачилик мануфактура ишлаб чиқариши ва савдо тармоқлари | Транспорт тармоқлари | Энерго-тармоқлар | Коммуникация тармоқлари | Глобал тармоқлар, билимлар |

ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши, телекоммуникация воситалари ва муносабатларнинг ривожланиши, кимё ва биотехнология, космик технология ютуқларидан фойдаланишдир. Бу тармоқларда аввалги уклад тармоқларига нисбатан ўртача фойда нормасининг сезиларли даражада юқорилиги, сармоялар тақсимотида, мазкур тармоқлар томонига кескин ўзгаришларга олиб келди.

1-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, янги иқтисодиёт шу тариқа, энг аввало, бешинчи циклнинг янги технологик сакраши билан белгиланади. Ҳозирги замон иқтисодиёти, энг аввало, янги иқтисодиётга хос бўлган жиҳатлар таъсирида ўз таркибини ўзгартириб, мураккаблашди. Унга хос бўлган ҳодисалар умумий ривожланиш стратегиясида ҳам, анъанавий тармоқ ва муносабатларда ҳам ҳукмрон бўлиб қолмоқда. Масалан, электрлаштиришнинг таъсири ХХ асрнинг охирида барча ишлаб чиқариш турларига кириб борди, компьютер технологиялари билан тўлдирилган илмий-ахборот таркибий қисми эса ХХ асрнинг охири–ХХI асрнинг бошларида етакчилик қилди.

Янги технологик сакраш билан боғлиқ равишда муҳим онтологик ўзгаришлар юз бериб, улар билан амалиётчилар, олимлар,

сиёсатчилар ҳисоблашишга мажбурдирлар. **Биринчидан**, бир бутун иқтисодиёт дунёси шаклланди, унинг исталган қисмларидаги кичик ўзгаришлар алоҳида миллий иқтисодиётлардаги турлича ўзгаришларга олиб келмоқда.

Иккинчидан, ахборотлар ўзига хос қимматга ва анъанавий тармоқлардан ажралиб турадиган ишлаб чиқариш жараёнига, уни ташкил қилиш ва бошқариш шаклига эга бўлган мустақил ресурс бўлиб қолди. Охириги 15 йилда ахборот соҳасининг салмоғи ўсди ва ривожланган мамлакатларда 45-65%ни ташкил этди¹. Аниқланган белгилар ахборот ресурсини бошқа ресурслардан тубдан фарқлайди, муносабатлар тизими, нарх ўлчови, солиқ сиёсати ва бошқаларга муҳим ўзгаришлар киритади.

Учинчидан, ахборотлар ва бутун ахборот соҳаси замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, динамика ва ўсишини белгилайдиган энг кучли манба ҳисобланади. Моҳиятан бу эндоген иқтисодий ўсиш замонавий назариясини тўлдиради. Масалан, 2000 йилга келиб, индустриал ривожланганлик

¹ Мельянцева В. Информационная революция – феномен «новой экономики». // МЭ и МО, 2001, №2.

тавсифига эга бўлган маълум мамлакатларда ахборот омили қўшимча қийматнинг 50-75%ини ташкил этди¹. Маҳсулотлар 10,5, 12,5 ва 14 йиллик таълим цензига² эга бўлган Америка ишчилари томонидан ишлаб чиқарилган³.

Т. Эггертесон агар j мамлакатни, мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромадини эса w_i билан белгиланса, w_i жаҳон билимлар захираси шароитида мамлакатнинг бундай даромади мамлакат томонидан фойдаланилаётган жами жаҳон билимлар захираси функцияси эканлиги келиб чиқади, деб таъкидлайди:

$$Y_{ij} = f(w_i)^2.$$

Демак, ривожланиш динамикаси жорий фаровонликнинг нафақат макроиқтисодий кўрсаткичлари, балки «эски», анъанавий ҳамда «янги» ўлчовида ҳам «инсон капитали»ни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тармоқлар ва илмий-ахборот тармоқлари комплекс ишланмаларининг фаоллиги даражасига боғлиқдир⁴.

Тўртинчидан, иқтисодий тараққиёт траекторияси ва механизмида ўзгаришлар кузатилди. Ахборот технологияларининг жорий этилиши анъанавий укладларни бузмаган ҳолда умуман, техника ва технологиялар ўзаро таъсири, иқтисодий муносабатлар ва шакллар, институционал ва ижтимоий алоқа-

¹ Цвылев Р. Метаморфоза индустриальной экономики: проблема экономических изменений. // МЭ и МО, 2001, №2.

² Таълимнинг маълум даражаси талабларидан исталганини танлаб олиш ҳуқуқининг чегараси, билимлилик, маълумотлилик, таълим кўрганлик даражаси.

³ Марцинкевич В.И. Человеческий фактор и эффективность экономики. – М.: «Наука», 1991. – С. 173-174.

⁴ Янги иқтисодиётнинг ривожланиши нафақат иқтисодий тараққиётнинг қиймат натижаларини, балки нархлар бозор тизимига тушмасада, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, ривожланиш ва ўсиш шароитлари ва имкониятларини тавсифлайдиган тўпланган хўжалик салоҳияти ҳам акс эттира оладиган янги агрегирлашган кўрсаткичлар тизимини излаш заруриятини туғдирди. (Karunarathe N.D. Analytics of Information and empiric ox the lufor-Economy. // The Information Society, №4.

ларнинг янги сифатини яратади. Натижада макрогенерация⁵ синергетик самарасини ишлаб олади, бу ерда кўтарилиш тўлқинига турли цикллар: техник-технологик, ресурс-энергетик, капитал, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва ахборот цикллари тебраниш оралиқлари мос келади. Ахборот қонунларининг мавжуд тартиблар ва муносабатлар бутун мажмуига таъсири ҳам ҳалигача ўзининг махсус тадқиқотини кутаётган бўлса-да, тўпланган маълумотлар бутун цикллар мажмуида ахборот цикли етакчи ўринни эгаллаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини бермоқда.

Ахборот цикли, энг аввало, фикрлаш ҳамда ахборотлар билан ишлаш: уни йиғиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, жамғариш, янгилаш, ҳимоялаш, узатиш, мақсадга мувофиқ ахборотни айирбошлаш ва фойдаланиш услубини ифодалайди. Д.Норт ва Р.Фогелнинг фикрича, айнан ахборот тўплаш ва фикрлаш усуллари давлатларнинг иқтисодий тарихини изоҳлашда асосийси ҳисобланади⁶.

Ҳозирги вақтда бизда ҳам, хорижда ҳам кишиларнинг илмий, амалий, ахборот ва руҳий ўзгаришларини акс эттирадиган янги, самаралироқ таълим технологиялари ва услубларини излаш ва жорий этишнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бешинчидан, бу ҳам аввалги қоидалардан келиб чиқади, ижтимоий бойликнинг таркиби ва шакли ўзгармоқда. Натурал-мулкый ва қиймат шакллари бойлик юқори даражасига ахборот, социомаданий ёки кишилик бойликларини жалб этадиган, яратилаётган бойлик умумий таркиби асосида кетади. Унинг ахборот бойлиги ўзига хос истеъмол қийматига эга. «Билимлар томонидан яратилган қиймат ўз тавсифига кўра, юқори даражада субъек-

⁵ Эволюция жараёнига макрогенерацияларнинг таъсири тўғрисида: Маевский В.В. Эволюционная макроэкономика и неравновесные процессы. В кн. Эволюционная экономика и «мэйнстрим». – М., 2000. – С. 15-30.

⁶ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997.

тивлашган жамиятни талаб қилади, акс ҳолда у зарурий эътирофга эга бўла олмайди», деб ёзади Т.Сакайя¹.

Агар иқтисодий фаолият, энг аввало, ахборот фаолияти деб тахмин қилинса, у ҳолда ахборот тоифалари барча объектив-субъектив хўжалик муносабатларининг универсал, белгиловчи тавсифи бўлиб чиқади. Ахборот шу тариқа, масалан, классик сиёсий иқтисодиёт назарияси намояндаларининг қарашлари шаклланган даврда ижтимоий меҳнат муҳрини ўзида ифодалаган қийматдан фарқ қилиб, замонавий иқтисодиёт моҳиятини ташкил этмоқда.

Олтинчидан, электроника, кибернетика, космик алоқа йўлдоши, дастурий таъминотни жадал ривожлантириш негизда ахборот инқилоби ўзининг барча белгилари ва тавсифлари билан глобал жамиятнинг шаклланишини яқунлаб, телекоммуникация воситаларига бурилишни амалга оширди, улар ҳалигача фаол муҳокама қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам масалан, транспорт инфратузилмаси туфайли авиация, автомобиль, сув ва темир йўл транспорти янги авлодини жорий этиш ҳамда халқаро моддий инфратузилмалар орқали ўтказгичлар тармоғининг жадал кенгайтирилиши натижасида иқтисодий макон қисқарди ва шу орқали мамлакатлар, фирмалар, кишилар ўртасидаги тафовутни яқинлаштириб, вақт сиқиштирилди. Ҳар 100 кунда ахборот ҳажми икки бараварга кўпаймоқда, йиллик ўсиш 7,3 мартани ташкил этади. Бунинг натижасида тубдан янги вазият вужудга келди. Энг аввало, капиталлар ҳаракатчанлиги кескин ошди ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг мазмуни ва шакли ҳам ўзгарди, унинг алоҳида турларидаги тафовут ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.

Еттинчидан, трансмиллий корпорациялар (ТМК) ривожланишида нафақат миқдорий, балки сифат сакрашлари ҳам юз берди. Энг

аввало, ТМКларнинг ўзлари ўзининг ғоявий-концептуал якунига эга бўлди. Чет қисмлар (шўьбалар) ва марказ тушунчалари ахборот тармоқларининг ҳаракатлари туфайли ўзининг биринчи даражали аҳамияти ва маъносини йўқотди. Бу инвестициялар таркиби, йўналишлари ва ҳажмини ўзгартирди.

XX аср 80-йилларнинг ўрталарида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиш индекси ялпи ички қўйилмаларнинг шу сингариндексидан анча илгарилаб кетди ва 2000 йилларнинг охирига келиб, ўсиш 7 марталик даражадан ошиқроқни ташкил этди. Натижада истеъмолчи афзал кўришини қондириш имкониятлари диапазони анча кенгайди. Савдо ва ҳисоб-китобларнинг электрон шакли трансакцион битимлар ҳажмини оширган ва тезлаштирган ҳолда бу имкониятларни, улар билан бирга эса трансакцион харажатлар миқдорини ҳам ҳақиқатга айлантирмоқда. Бироқ глобал нуқтаи назардан ТМК ва трансмиллий банклар (ТМБ)нинг барча сиёсий-иқтисодий жараёнларга таъсири даражасининг ўсишини қайд қилиш муҳим².

Бунинг оқибатида капитал экспорт қилувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётининг ўзи кўпроқ трансмиллий ҳамда юзага келаётган миллий бозорлар ва халқаро институтларга боғлиқ бўлиб қолмоқдалар. Бугунги кунда халқаро институтлар асосий қонун чиқарувчи (техник, дастурий, инновацион), тартибга солувчи ва ахборот фаолияти бирламчи маҳсулотларининг асосий фойдаланувчиси ҳисобланади. Бирин-кетин ахборот муҳитининг кейинги тақсимланиши юз беради, унинг қонунлари иқтисодиёт назариясига маълум бўлган жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш қонунларига ҳеч қанақасига мос келмайди.

Саккизинчидан, мамлакатлар мустақиллиги даражасининг чекланганлигидан келиб чиқиб, миллий сиёсат мазмуни, таркиби,

¹ Новая постиндустриальная вольна на Западе. Антология. / Под ред. В.Л.Иноземцева. - М.: «Academia», 1999. -С. 352.

² Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. М.: «Academia», 1999. -С. 18.

стратегик ва тактик мақсадларининг амалга оширилиши анча ўзгарди. Рақобатнинг оғирлик маркази миллий сиёсатга иқтисодий таъсир кўрсатган соҳалардан сиёсий соҳаларга ўтказилади. Бу ўз навбатида, иқтисодий соҳадаги рақобат кураши қоидасини намойиш этади¹. Бунда ҳам «янги иқтисодиёт»да кузатилаётган кўплаб парадокслардан бири намоеён бўлмоқда. Унинг мазмуни шундан иборатки, қайсидир мамлакат иқтисодиёти очиқлигининг ўсиши бутун таркибий қисмлари билан унинг миллий мустақиллигига нафақат путур еткази, балки ТМК ва ТМБларга тўлайдиган глобал рентасини чегириб олиш учун шарт-шароит ҳам яратади. Тенгсизликнинг янги шакли – ахборотга дахлдорлик даражаси, яъни мамлакатлар ва кишиларнинг ишончли ва илмий ахборот олишга қодирликларининг турли қулайликлари вужудга келди.

Агар тегишли тушунчалардан фойдаланилса, янги синф, ҳамкорлик, ижтимоий гуруҳлар ва бир бутун миллатлар вужудга келиб, улар янги ахборот ресурсининг бутун афзалликлари сифатида бойликни тасарруф этган ҳолда фойдаланмоқдалар. Ривожланиш жараёнида янги ресурслар, технология ва муносабат шаклларини ўзлаштирган ҳолда либерал ва демократик қадриятлар тамойилларига асосланиб амал қиладиган бозор тизими ўзининг хулқ-атвор – тенгсизлик, ахборот-молиявий-сиёсий тоталитаризм, автократия қарама-қаршилигини тасдиқлайдиган иқтисодий маконни яратдилар. Ўз даврида А.Смит ўқитган этика ва маънавий-руҳий ғояларни амалга оширишнинг ўз даври учун самарали ва адолатли иқтисодий тамойиллари бугунги кунда юзага келган янги зиддиятларни бутун ўткирлигида ҳали ўзлаштиради ва ҳали бундай вазиятни меъёрида деб эътироф этади. Аммо охириги йилларнинг

ўткир воқеалари «цивилизация бузилиши» оқибатлари ҳақида асослироқ ўйлаб кўришга мажбур қилади»².

Янги иқтисодиёт янги назарий мушоҳадани ҳам талаб қилади. Товар-пул операциялари эволюцияси меркантилизмни вужудга келтирган эди, физиократлар қишлоқ хўжалигини таҳлил қилдилар ва изоҳладилар, саноат капитали даври классик сиёсий иқтисоднинг тадқиқот объекти бўлиб чиқди. Неоклассикларнинг фикрича, бозор механизмининг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беради. Эндиликда «Янги иқтисодиёт» учун янги назарияни излаш бунинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Энг аввало, янги иқтисодиёт назарияси иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга онгли муносабатда бўладиган иккита таркибий қисмга эътибор қаратадиган методологик ёндашув асосида ишлаб чиқилиши зарур. **Биринчиси** – қайсидир даражада ахборотга ва замонавий иқтисодий социумга мос руҳий хоссалар мажмуига эгаллик қиладиган, ўзгариб бораётган, жумладан, рақобат муҳитига ҳам мослашиш имкониятини берадиган фаол онгли боғланиш объекти сифатида эътироф этишдир³. **Назариянинг иккинчи жиҳати** иқтисодчилар энг охириги вақтларгача инкор қилган – тор доиралардан ташқари чиқадиган кишилардаги хосса ва мақсадларни эътироф этиш ва фаол илгаридан кўникиб келинган моделларнинг онгли фаолиятга, сўнгра эса бошқарувчилик қарорларига ҳам киритилиши эканлигига тегишлидир. Ахборот тех-

² Туроу Л. Будущее капитализма. М.: «Сибирский хронограф», 1999. -С. 13.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. - М.: «Academia», 1999. -С. 18.; Иноземцев В.Л. Расколота цивилизация. - М.: «Academia-Наука», 1999. -С. 19.; Экономическая теория на пороге XXI века – 5: Неоэкономика. / Под ред. Ю.М.Осипова, В.Т.Белолипецкого, Е.С.Зотовой. - М.: 2001; Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. - М.: «Academia», 1998.

³ Шунчаки билимлар ва билимлар тўғрисидаги билимлар иқтисодий субъектлар: истъёмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, сиёсатчилар, қонун чиқарувчилар ўзларини қандай тутишлари ҳақидаги тасаввурларини анча ўзгартиради.

¹ Давлат ривожланишининг турли босқичларида рақобат сиёсати стратегияларининг ўзгариши ҳақида М.Портер асосли фикрларни ёзади: Портер М. Международная конкуренция. - М.: «Международные отношения», 1993.

нологиялари турли ижтимоий шаклларда намоён бўладиган инсон онгини нафақат меҳнат предметига, балки иқтисодий фанга ҳам айлантиради¹.

Шундай қилиб, маълумотлар иқтисодий субъектлар томонидан қўлланилаётган билвосита белгилар қаторидан асосий ресурс, хизмат ва маҳсулот бўлиб қолмоқда. Ахборот муаммоси биринчи марта умумий товар сифатида А.Хартнинг мақоласида кўтариб чиқилган². 30 йилдан ортиқ вақт илгари у ишлаб чиқариш циклини янги ахборот оқимисиз ташкиллаштиририб бўлмастгигини исботлаган. Натижада ахборот қиймати концепцияси статистик тадқиқотларда, айрим муҳандислик фанларида, бошқарув фанида ривожланиш имконига эга бўлди.

Иқтисодиёт назариясида ахборотларни таҳлил соҳасига киритиш Дж.Хикс, П.Самуэльсон, Дж.Дебре ва бошқа ҳозирги замон иқтисодчиларига умумий иқтисодий мувозанат назариясига бир мунча бошқачароқ ёндашиш учун асос бўлди³. Бу назарияда индивидларнинг феъл-атворини белгиладиган ягона омил нарх ҳисобланиб, у асосий ахборот вазифасини бажаради. Бундан ташқари, неоклассик назария ўз таҳлилида хўжалик юритувчи барча субъектларнинг ахборотларга тенг ва тўлиқ кириши қоида-сидан келиб чиққан.

К.Эрроунинг таъкидлашича, ахборот фақат иқтисодий тушунча эмас⁴. У ўз мазмунига кўра, «иқтисодий майдон» доирасидан таш-

қарига чиқади. Бироқ ҳозирги замон иқтисодиётида ахборот ҳақиқатан ҳам барқарор ва иқтисодий мақомга ҳамда мос тавсифга эга бўлди. Энг аввало, бу истеъмол қиймати ва қийматга эга бўлган товардир. Қиймат ва истеъмол қиймати сифатидаги ахборотнинг ўзига хослиги, умуман, бутун товарга ўзига хослик беради, у бўлинмаслик ва амал қилиш вақти, даври хоссасига эга.

Ахборот айирбошлаш қиймат қонунида ҳамда талаб ва таклиф қонунида ёзилмайди, чунки трансакция иштирокчилари эквивалент муносабатлар даражасини ифодаламайди. Ахборот фаолияти маҳсулига нарх белгилаш механизми харидорлар ва сотувчиларга шундай таъсир қиладики, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат бир мунча шартли характер касб этади. Чекланган харажатлар ва чекланган даромадлар тенглиги тўғрисидаги неоклассикларнинг машҳур қоидалари ҳам алмашув нисбатларини ифодаламайди. Ахборот фаолияти соҳасида чекланган харажатлар ва чекланган даромадларни баҳолаш барқарор мезонларга эга эмас.

Биринчидан, «ахборот буюртмачиси» ва ишлаб чиқарувчиси ишлаб чиқарилаётган ахборот маҳсулотини баҳолашга бир хил бўлмаган мезонларни ўрнатадилар.

Иккинчидан, айнан шу буюртмачи бирор-бир илмий-ахборот маҳсулоти ишлаб чиқаришини аванслаган ҳолда кутилаётган маҳсулотни ололмаслигига таваккал қилади.

Учинчидан, ахборот ҳақ тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун уни тўлиқ харидорга баҳолашга тавсия қилишда бир бутунлик хоссасига эга бўлади. Бироқ ахборот у билан дастлабки танишув босқичида олинган бўлганлиги сабабли ҳақи тўланмаслиги мумкин.

Тўртинчидан, ахборот сотувчиси ахборот хизматлари учун пул олиб, моддий товардаги каби ундан тўла маҳрум бўлмайди. У фақат кўпайтириш учун асосий харажатлар қилиб, ахборотни кейинчалик сотиши мумкин.

¹ Эрроу К. Информация и экономическое поведение. // «Вопросы экономики», 1995, №5. -С. 169-294.

² Hart A. Risk. Uncertainty and Unprofitability of Compounding Profitabilities. In: Studies in Mathematical Economics and Econometrics. Chicago, University of Chicago Press. 1992.

³ Дж.Акерлоф, Дж.Стиглиц ва М.Спенслар 2001 йилда такомиллашмаган ахборотлар бозори назарияси ғояларини ишлаб чиққанликлари учун Нобель мукофотини олганлар. Бу мазкур назарий йўналишнинг муҳимлиги ва уни янада ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

⁴ Эрроу К. Информация и экономическое поведение. // «Вопросы экономики», 1995, №5. -С. 98-107.

Бешинчидан, ахборот маҳсулотини малакали экспертларсиз истеъмол сифатлари бўйича баҳолаш жуда қийин. Консалтинг ва инжиниринг бизнеси ахборот хизматлари бозорида экспертлар фаолиятининг амалда намоён бўлишидан бошқа нарса эмас. Бу бизнесда харидор ва сотувчи неъматларни яратишда биргаликда қатнашадилар.

Ахборотлашган иқтисодиётда яна бир машҳур иқтисодий қонун бузилади. Бу қонун XVIII асрда Т.Мальтус ва Д.Рикардо томонидан шакллантирилган даромадлиликнинг камайиб бориши қонунидир. Бу ҳақда 50-йилларнинг охирларида К.Кларк ҳам ўзининг «уч соҳа»ли иқтисодий моделида қайд этиб ўтган.

Ахборотлашган иқтисодиётда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга дастлабки харажатлар катта. Шунинг учун ҳам ҳар доим янги товарлар нархи уларнинг ҳақиқий фойдали самараси нуқтаи назаридан белгиланиши тушунарлидир. Ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, олинadиган даромад шунчалик юқори бўлади. Фан сиғимли маҳсулот яратадиган фирма ҳам тақсимланган маҳсулотдан ташқи самара ҳисобига даромадларнинг қўшимча манбаларини олади. Масалан, Windows дастурининг кенг тарқалиши тўлов асосида тарқалган қўшимча дастурий иловаларни талаб қилди. Тарқатишдан ташқи самараларнинг фаол таъсири алоқа воситаларидан фойдаланadиган sanoat тармоқларида ҳам сезилмоқда.

Неоиқтисодиёт (янги иқтисодиёт) глобал молиявий капиталга асосланган иқтисодиёт бўлиб, ақл марказлари билан бошқариладиган эгилувчан тармоқларнинг пасайтирилган оғирлиги орқали алоҳида иқтисодий муносабатларни шакллантиради. Уларда ишлаб чиқариш муносабатлари хўжалик алоқаларига айланади. Бу субъектлар келишувларининг асосий предмети ҳозирги ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солишда трансакциялар ва трансакцион харажатларни камайтириш орқали самарадорликни оши-

ришга уринишдир. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган бу жараёнлар ва тараққиётнинг қуйида келтирилган асосий омиллари Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини белгилашда ҳам ҳисобга олиниши лозим (2-жадвал).

Жаҳонда иқтисодий ўсиш сифатини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ресурсларни самарали тақсимлаш; иш билан бандлик даражасини даромадларни самарали ўстириш асосида таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш; иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва омиллар ялпи унумдорлиги (TFP)ни ошириш; институционал тузилма ва инфратузилма сифатини яхшилаш ҳамда ривожлантириш.

Жамият ривожланиши тўғрисидаги янги илмий назарий қарашлар ва ғоялар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тўла асарлар жилдида, шунингдек, унинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларида илмий асослаб берилганлигини кўрамиз. Бу тараққиёт йўли моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига асосланганлиги билан тубдан ажралиб туради. Кўриниб турибдики, юксак билим ва маънавиятли мутахассислар тайёрлаш миллий тараққиёт йўлимизнинг асосига қўйилган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, энг асосий масала бу марказлашган режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш эди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди ва бу бутун дунёда «ўзбек модели» деган ном олди. Бу модель асосида иқтисодиётимизни инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш, иқтисодиётни тараққий эттириш ва барқарор иқтисодий ўсишга шароит яратиш ётади. Бу жараёнларни илмий-

2-жадвал. Хорижий адабиётларда барқарор иқтисодий ўсиш муаммоларининг ёритилиши¹

| Муаллифлар | Асосий ғоялари |
|---|---|
| М. Спенс, Р. Солоу | Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий натижаларини ривожлантириш, инклюзив ўсиш каби барқарор ўсиш сифатининг мезонларини тадқиқ этиш |
| Э. Корсо | Иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири |
| К. Сен | Институционал бирликларнинг иқтисодий ўсиш сифатини инклюзив жиҳатларга таъсири |
| П. Веллала, М. Мадала, У. Чхаттопадхай | Инклюзив ўсиш кўрсаткичлари ва уларни баҳолашга эконометрик ёндошувларнинг илмий-услубий жиҳатлари |
| Ч. Аояги, Г. Ганелли | Ишсизликни камайтириш, савдони ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган макроиқтисодий сиёсат асосида барқарорликни таъминлаш ҳамда инклюзив ўсиш жараёнлари |
| Р. Ананд, С. Мишра, Ш.Ж. Пейрис | Макроиқтисодий барқарорлик, инсон капитали, таркибий ўзгаришлар, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо эркинлиги асосида инклюзив ўсишни таъминлаш |
| А. Смит, Д. Рикардо, Дж.С. Милл | Иқтисодий ўсишнинг рақобат, ташқи савдо, капитал ва аҳоли сонидаги ўзгаришлар билан боғлиқлиги |
| Й. Шумпетер | Инновация, техника-технологиялардаги ўзгаришлар каби интенсив омиллар |
| Дж.М. Кейнс, Р. Харрод, Е. Домар, Э. Хансен | Инвестициялар, мультипликатор акселератор принциплари асосида ялпи талаб билан боғлиқлиги |
| Р. Солоу, Т. Сван, Э. Денисон | Асосий капитал ва инсон капиталини жамғариш ҳамда техника тараққиёти асосидаги барқарор ўсиш даражаси |
| П. Ромер, Д. Барро, Р. Лукас, С. Ребело | Техника тараққиётининг эндоген омил сифатидаги талқини |

назарий жиҳатдан асослаш эса «Иқтисодиёт тайёрлаш учун «Неоиқтисодиёт» фанини назарияси» фанининг устувор вазифаси киритиш ва бу йўналиш учун махсус ўқув ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиёт қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш – соҳасига ихтисослашган мутахассисларни бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -8-б.
2. Бжезинский З. Глобальный беспорядок накануне XXI века. // «США: Экономика, политика, идеология», 1994, №4-5.
3. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. – М.: «Дело ЛТД», 1994.
4. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. – М.: «Academia», 1999. -С. 18.
5. Иноземцев В.Л. Расколота цивилизация. – М.: «Academia», 1999. с.19.

¹ Доклад о росте. Стратегии устойчивого роста и инклюзивного развития. // М.Спенс, Р. Солоу и др. «Весь мир», 2009. // http://siteresources.worldbank.org/EXTREMNET/Resources/489960-1338997241035/Growth_Commission_Final_Report-Russian.pdf; Е.Корсо. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011. // <http://siteresources.worldbank.org/EXTREMNET/Resources/468980-1316457581843/TRIG-andHRV.pdf>.

6. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: «Academia - Наука», 1998.
7. Маевский В.В. Эволюционная макроэкономика и неравновесные процессы. В кн. Эволюционная экономика и «мэйнстрим». – М.: «Наука», 2000. –С. 15-30.
8. Мельянцев В. Информационная революция – феномен «новой экономики». // МЭ и МО, 2001, №2.
9. Марцинкевич В.И. Человеческий фактор и эффективность экономики. – М.: «Наука», 1991. –С. 173-174.
10. Новая постиндустриальная вольна на Западе. Антология. / Под ред. В.Л.Иноземцева. – М.: «Academia», 1999. –С. 352.
11. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997.
12. Ойкен В. Основные принципы экономической политики. – М.: «Прогресс», 1995. –С. 71.
13. Портер М. Международная конкуренция. – М.: «Международные отношения», 1993.
14. Сорос. Дж. Сорос о Соросе. – М.: «Инфра-М» 1996.
15. Туроу Л. Будущее капитализма. – М.: «Сибирский хронограф», 1999.
16. Чибрикова Г.Г. Взаимодействие финансовой системы и реального производства в современном мире. // Вестник МГУ, сер.6. Экономика, 1999, №6.
17. Фридмен М. Уроки финансового кризиса. // «Независимая газета», 23.10.1998.
18. Цвылев Р. Метаморфоза индустриальной экономики: проблема экономических изменений. // МЭ и МО, 2001, №2.
19. Экономическая теория на пороге XXI века – 5: Неэкономика./Под ред. Ю.М.Осипова, В.Т. Белолипецкого, Е.С.Зотовой. М., 2001;
20. Эрроу К. Информация и экономическое поведение. // «Вопросы экономики», 1995, №5. –С. 169-294.
21. Hart A. Risk. Uncertainty and Unprofitability of Compounding Profitabilities. In: Studies in Mathematical Economics and Econometrics. Chicago, University of Chicago Press. 1992.
22. Karunarathe N.D. Analytics of Information and empiric ox the lufor –Economy// The Information Society. №4.
23. Wallias J.J., North D.C. Measuring the transaction Sector in the American Economy, 1870-1970. // Long-term factors in American Ecomic Growth. Ed. by Engerman S. –Chicago, 1987. P. 11.